

# **ЎҚИТУВЧИ ВА ТАЪЛИМ ҲАҚИДАГИ ЎЙЛАР**

**Каримова З.О., Оканов С**

**А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти**

**МЫСЛИ ОБ УЧИТЕЛЕ И ОБРАЗОВАНИИ**

**Каримова З.О., Оканов С**

**Джизакский государственный педагогический институт имени**

**А.Кадыри**

**THOUGHTS ABOUT THE TEACHER AND EDUCATION**

**Karimova Z.O., Okanov S**

**Jizzakh State Pedagogical Institute named after A. Kadiri**

**Аннотация:** Замонавий дунёда ўқитувчининг тутган ўрни жуда юқори. Ўқитувчининг вазифаси фақат билимларни етказиш эмас, балки ўқувчида пайдо бўлаётган янги фаолият турларини қўллаб-куватлаб, янгича фикрлаш усулларини ўргатишдан иборат. Ушбу мақолада муаллифлар ўқитувчининг ўрни аҳамиятини, ижодкор ўқитувчи шахсиға қўйиладиган талаблар, жамиятда ўқитувчиларга тўғри муносабатни шакллантириш, таълимдаги муаммолар ва ўқитувчи ўз касбига муносиб эканлиги ҳақида очиб беришга ҳаракат қилганлар.

**Аннотация:** Роль учителя в современном мире очень высока. Задача учителя - не только передать знания, но и научить новым способам мышления, поддерживая новые виды деятельности, возникающие у ученика. В этой статье авторы попытались объяснить важность роли учителя, требования к творческому педагогу, формирование правильного отношения к учителю в обществе, проблемы в образовании и соответствие учителя своей профессии.

**Annotation:** The role of the teacher in the modern world is very high. The task of the teacher is not only to transfer knowledge, but also to teach new ways of thinking, supporting new types of activities that arise in the student. In this

article, the authors tried to explain the importance of the role of the teacher, the requirements for a creative teacher, the formation of the correct attitude towards the teacher in society, problems in education and the correspondence of the teacher to his profession.

**Калит сўзлар:** ислоҳот, таълим, вақт, жамият, маош, дарсликлар, иншолар ва оғзаки имтиҳон

**Ключевые слова:** реформа, образование, время, общество, заработка плата, учебники, сочинения и устный экзамен.

**Key words:** reform, education, time, society, wage, textbooks, writings and oral exam.

Таълим соҳасида ишлаш жуда завкли. Буни фақат шу соҳада меҳнат қилганлар билади, ҳис қилади ва қадрлайди. Замонавий дунёда ўқитувчининг роли жуда катта. Ўқитувчининг вазифаси билимларни етказиб бериш эмас, балки ўқувчида янги фаолият турларининг пайдо бўлишини қўллаб-қувватлаш, янги фикрлаш усулларини ўргатишдир.[1] Таълим шахс ривожланишининг барча мумкин бўлган соҳаларини қамраб олади, чунки бу мақсадли жараёндир.

Юқори даражадаги билимга эга, мослашувчан педагогик тафаккурга эга тадқиқотчи, ўз ишини яхлит кўра оладиган, малакаси, маданияти ва билими юқори, касбий маҳорати юқори, касбий педагогик маҳоратга эга бўлган шахс, ғояларни яратувчи, педагогик импровизацияга эга бўлган, доимо янги нарса излаётган ижодкор яхши ўқитувчи бўлиши мумкин. Замонавий таълимнинг энг муҳим мақсади – Ўзбекистоннинг ахлоқий, маъсулиятли, фаол ва малакали фуқаросини тарбиялаш .

Хозиргача кўплаб мамлакатлар учун қўйидаги муаммолар долзарб бўлиб қолмоқда: талаб қилинадиган ҳаёт сифатига эришиш, малакали ўқитувчиларнинг етишмаслиги, молиялаштиришнинг етишмаслиги, "маълумотли ишсизлар" бандлиги, билим дунёси ва таълим соҳаси ўртасидаги тафовут, таълим технологияларининг қолоқлиги, таълимтарбия тизимининг самарадорлиги ва унумдорлиги инқизорзи [2]

Таълим тизимимизда қандай муаммоларни ислоҳ қилиш зарур? Бу борада турлича қарашлар бўлиши мумкин. Ўқитувчи шахсияти - таълим тизимининг энг муҳим муаммоси ҳисобланади.

Моддий, маънавий ва ҳуқуқий ҳимояланган ўқитувчигина тулик шахс бўла олади. Хўш, бугун ўқитувчи шахси тўлиқми? Ўйлаймизки, бу муаммоларни ижобий ҳал этиш таълимнинг teng ярим муаммосини ҳал қиласи. Таъкидлаш жоизки, мавжуд таълим тизими ўқитувчининг шахс сифатида камол топишига тўлиқ хизмат қила олмаяпти.

Маош масаласи таълимдаги энг муҳим масала. Ҳақиқатнинг кўзига тик қараб, тан олиш керак, бугунги кундаги ҳақиқий маош билан ўқитувчи оиласини боқа олмайди. Таълим соҳасида хизмат килувчилар “қандай қилиб тирикчилик қилсан бўлади?”, деган саволларга чалғимаслик учун ҳар бир ўқитувчи яхши маош олиши керак. Ва агар ўқитувчи яхши маош учун ҳам вижданан ишламаса, унда бундай ўқитувчи таълим каби олижаноб соҳага лойиқ эмас деб топилиши керак. Ўқитувчи ҳозирда ижодкор. Биз унга ўз устида ишлаши учун имконият яратишими керак. Япония бош вазиридан мамлакатдаги технологик тараққиёт сири ҳакида сўралганда, у шундай жавоб берди: “Биз ўқитувчиларга вазирлик маошларини, дипломатларнинг дахлсизлигини ва императорнинг ҳурматини бердик”.

Бугунги воқелик ўқитувчига ўз талабларини қўймокдаки:

1. Ўқитувчи ўз фанини пухта билиши керак. Мактаб ўқувчиси ёки талаба онги ва руҳиятини уйғотиши, уларга соҳага оид асосий, фундаментал билимларни бера олиши керак.
2. Ўқитувчи дарслик ва ўқув қўлланма доирасида қолиб кетмаслиги, ўқувчига ҳам, талабага ҳам мустақил фикрлай олишни ўргатиши керак.
3. Ўқитувчи қайси фандан дарс бермасин, замон билан ҳамнафас бўлиши, замонавий инсон елкасига юклатилган вазифаларни тушунтира олиши керак.[3]

Имтиҳон жараёнларига иншо ёзиши қайтариш керак. Иншо саводхонликни баҳолашнинг энг мақбул усули ҳисобланади. Ушбу турдаги имтиҳон талabalарда уларнинг билимларига ишонч ҳосил қиласи. Ва шунга қарамай, оғзаки имтиҳон турини, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Оғзаки имтиҳон ҳам қабул пайтида, ҳам ўқув жараёни давомида талаб қилинади. Тест нисбий атама. У талабанинг умумий тайёргарлигини текширмайди, фақат у ёки бу аниқ саволга аниқ жавоб беради. Аввало, фанга кўра, ўкувчининг умумий билими, дунёқараши ва тафаккур салоҳиятини баҳолаш керак. Аксарият ҳолларда тест аниқ фанларда ўзини оклаши мумкин.

Ҳеч кимга сир эмаски, бутун ҳалқларнинг тақдири ўқитувчиларга, уларнинг савиясига боғлиқ. Ҳозир инсоният билимлари ҳажми ҳар 3-5

Йилда ортиб бормоқда. Замонавий ўқитувчи компетенцияни янгилаш учун салоҳиятга эга бо'лиши керак. Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар ўқитувчиларни устозлик фаолиятида янада ижодий бўлишга унданмоқда. Ўқитувчининг бахти талабаларнинг ғалабаларидан иборат ва ўқитувчи қандай ишлаши талабанинг билимли бўлиши, муваффакиятга эришиши, ўзини англаб этиши, замонавий жамиятга мослаша олиши билан боғлик.

Ватанимиз келажаги ёшлар қўлида. Ёшларнинг келажаги эса ўқитувчиларга, тарбиячиларга боғлик. Демак, жамиятда ўқитувчига нисбатан тўғри муносабат шаклланмагунча, биз таълим тизимининг фаолиятини аниқ йўлга йўналтирмагунча, орзулар орзу бўлиб қолаверади.

Шу уринда атоқли рус адиби Валентин Распутиннинг ўқитувчи ҳакидаги “Француз тили сабоқлари” ҳикояси бадиий мўъжизалардан бўлиб туюладики,[4] ҳикоя қаҳрамони Лидия Михайловнага хаёлан йўлланган мактубни ҳавола қилмокчимиз.

### **Валентин Распутиннинг “Француз тили сабоқлари” ҳикояси қаҳрамони Лидия Михайловнага хат**

Ассалому алайкум, Лидия Михайловна! Ҳормай-толмай юрибсизми? Болалар шовқин солиб дарсингизга халақит бермаяптими? Ҳали ҳам касбингизга, француз тилини ўқитишга меҳрингиз бўлакчами?

И-и-и, узр! (Гапдонлигимни қаранг) ўзимни таништирмабман-ку! Ҳеч қиси йўқ. Сиз барибир мени танимайсиз. Келинг, яхшиси, ғойибона шогирдларингиздан бири бўла қолай.

Биласизми, Лидия Михайловна, мени кўп йиллардан буён: “Ҳақиқий ўқитувчи қандай бўлиши керак?” – деган ўй қийнаб келади. Сиз билан танишдим-у, (Сизни менга танитган Валентин Распутинга раҳмат) қайсиdir маънода саволларимга жавоб топа бошладим.

Келгусида ўтадиган дарсларимга тахминий режалар тузяпман. Уларда сизнинг усуулларингиздан ҳам фойдаланиш ниятим бор, албатта. “Синфхонага кириб саломлашгач, ўтиришга изн беришдан аввал, гўё

камчиликларини рўй-рост айтмоқчидек, ҳар бир ўқувчига синчиклаб қараб чиқиш одат”ингиз ўзига хосликдан далолат.

Эсингиздами, бир куни Валентин қош-кўзи кўкариб, юзи шилиниб дарсга келганида буни дарров пайқадингиз ва меҳр билан: “Мана, бугун орамизда ярадорлар ҳам бор экан”, – дея гўё бунга аҳамиятсиз нарсадек карадингиз. Сабабини сўраганингизда Валентин: “Йиқилиб тушдим”, – деб ёлғон гапирганини сезиб туриб ҳам унга бирор оғиз ёмон сўз демадингиз, фақат ачиндингиз. Аммо Тишкин бўлиб ўтган воқеяни рўй-рост айтиб, синфдошининг бор айбларини очиб ташлади. Сиз эса бу гапларга эътибор бермай, Тишкиндан уй вазифаларини сўрай кетдингиз. Бу чақимчилик, дўстга хиёнат, ўзини кўрсатиш иллатларига қарши кўтарган кичик бир исёningиз эди.

Ўқитувчи билимли, ўз фанининг устаси, болалар билан чиқишиб кета оладиган, керак бўлса, психолог, актёр, сухандон, вақтида меҳр беришни ҳам, вақтида жазолашни ҳам биладиган инсон бўлиши кераклиги ҳақида кўп эшитганман. Бунинг исботини сизнинг фаолиятингизга назар ташлаб кўришимиз мумкин.

Сизнинг ўрнингизда бошқа ўқитувчи бўлганида Валентиннинг қилмиши учун директорнинг олдига олиб бориб уни жазолатмасмиди?! Оқибатлар билан эмас, сабаблар билан курашишни сиздан ўрганиш керак.

Валентиннинг пулга ўйин ўйнашга мажбур бўлганлигини вазият шуни тақозо қилганлигини у билан сухбатда дарров сездингиз, унга ёрдам бергингиз келди, инсонлигингиз, меҳрингиз устун келди.

Валентинга қанча яқинлашган сари унинг бошқа болаларга ўхшамаслигини, қиласман деган ишини қиласман деган даражада ўжарлигини, асосийси, унинг жуссасидан-да катта ғуури борлигини ичичингиздан ҳис қилдингиз. Ўқувчингизга нафақат билим борасида, балки

моддий томондан ёрдам беришга тиришдингиз. Ҳатто уни дарсдан сўнг уйингизга чақириб қўшимча дарс бердингиз. У берган топшириқларингизни бажонидил бажарап эди-ю, аммо ҳар қандай моддий ёрдамни рад этарди. Шунда сизнинг ҳам Валентинницидан кам бўлмаган ўжарлигингиз ишга тушди. Уни моддий томондан қўллаб-қувватлаш учун турли “найранглар” ишлата бошладингиз ва ниҳоят мақсадингизга эришдингиз. Буни ҳамма ҳам эплаши қийин эди. Бир ўқувчига кўрсатган меҳрингиз мисолида миллатингизга бўлган муҳаббатингизни кўришимиз мумкин.

Яхшилик beminnat бўлади дейишади. Сиз нафақат бир ўқувчини мактабдан ҳайдалишининг олдини олдингиз, балки уни деб ишингиздан ажралдингиз. Бошқа киши бўлгандами, ҳам хизмат, ҳам тухмат деб қилган ишидан афсус чекарди. Сиз эса зарра пушаймон бўлмадингиз. Йўқса, Валентинга Кубандан – она юртингиздан чиройли қутичага солиб макарон ва у фақат расмларда кўрган олмаларни жўнатармидингиз?!

Лидия Михайловна! Сиз ва сизнинг тимсолингизда барча устозларга меҳрим бир олам. “Эҳтимол, ўқитувчи учун энг муҳими ўзини доим жиддий тутиш эмас, кимгадир ниманидир ўргата олишини англашдир”, – деган сўзларингиз, насиб қилса, келгуси фаолиятимнинг асосий мезонига айланади. Сиз каби устозлар бор экан, шогирдлар нафақат олим, балки одам бўлиб ҳам улғаяверишидаи. Барчамизning кўнглимизга меҳр-муҳабbat улашганингиз учун раҳмат.

Сиз мен учун борсиз ва ҳали ҳам қайсиdir қишлоқларда Валентин каби ўқувчиларни тўғри йўлга бошляяпсиз, таълим беряпсиз. Ишонаманки, сиз билан танишиш баробарида минглаб Лидия Михайловналир пайдо бўлади.

Адабиётлар рўйхати

- 1.Стекленева С.Ю. Келажак мактабидаги ўқитувчи. Педагогик муроҳазалар “Ёш олим”. -2011 йил. -№ 6 (29)
- 2.Карташова А.А., Роготнева Н.Н. Жамиятнинг ҳаракатчанлигига қарши таълимнинг консерватизми. ТГАСУ Ахборотномаси №5, 2014 йил
3. Протопопова Э.В. Замонавий ёшлар таълимининг долзарб муаммолари. Вақт қийинчиликлари. Таълим ижтимоий тармоғи. нспортал. ру
4. В.Распутин. “Француз тили сабоклари” Шохсанам таржимаси 2016 й.